



O'ZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЎЗБЕКISTON ДАВЛАТ САЊЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини таъминлаштириш ва тубдан ошириш, шунингдек, мазкур йўналишдаги олий таълим муассасаларида яратилган мавжуд моддий-техник базадан янада самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-ф-сонли фармойиши асосида ташкил этилган Комиссия ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Давлат санъат институти негизида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинсин.

2. Қуйидаги йўналишлар Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш;

маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар йўналиши асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илгор педагогика, инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, Интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш;

маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг 46 нафар штат бирлиги доирасидаги бошқарув ходимларининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-ф-сонли фармойишига биноан ташкил этилган Комиссиянинг Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият инсти-

тутида амалга ошириш кўзда тутилган қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

«Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш» йўналишини Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритган ҳолда, ушбу йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрлаш;

«Маданият ва санъат соҳаси менежменти» ва «Оммавий тадбирлар режиссураси» йўналишлари бўйича янги магистратура мутахассисликларини жорий этиш.

5. 2012/2013 ўқув йилларида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига қабул қилувчи 2-иловага мувофиқ, бакалаврлар тайёрлаш бўйича — 297 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича — 96 нафар ҳамда тўлов-шартнома асосида — 201 нафар; магистрлар тайёрлаш бўйича — 40 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича — 11 нафар, тўлов-шартнома асосида — 29 нафар этиб белгилансин.

6. Тошкент Ахборот технологиялари университетида «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» йўналиши бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклансин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 майда имзоланган ПҚ-1751-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент Ахборот технологиялари университетида 2012/2013 ўқув йилларида ушбу таълим йўналишида қабул қилувчи бакалаврлар тайёрлаш учун — 60 нафар, магистрлар тайёрлаш учун эса — 6 нафар этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Тошкент Ахборот технологиялари университети билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2012/2013 ўқув йиллари учун қабул бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» йўналиши бўйича юксак малакали кадрлар тайёрлашни Тошкент Давлат маданият институтининг ушбу йўналишида таълим олаётган иккинчи-тўртинчи курс бакалавр ва магистрлари мазкур университетга ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган 237-ф-сонли фармойиши асосида тuzилган Комиссияга Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институти ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

Комиссия (Р.Азимов): бир ҳафта муддатда Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институти негизида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин;

янги ташкил этилаётган Институти

тутга юксак малакали кадрларни тайёрлаш асосида, жумладан, Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институтининг раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари таркибини қонунда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш орқали саралаб олишни таъминласин;

янги ўқув йили бошлангунга қадар янги ташкил этилаётган Институтининг таъминоти бўйича давлат таълим стандартларига қатъий мос келадиган, маданият ва санъатни ривожлантириш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган мутлақо янги ўқув режалари ҳамда дастурлари ишлаб чиқилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти асосий турдаги ўқув-лаборатория, саҳна ва компьютер жихозлари, шунингдек, мебель ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш чора-тадбирларини белгиласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклансин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 майда имзоланган ПҚ-1751-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент Ахборот технологиялари университетида 2012/2013 ўқув йилларида ушбу таълим йўналишида қабул қилувчи бакалаврлар тайёрлаш учун — 60 нафар, магистрлар тайёрлаш учун эса — 6 нафар этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Давлат маданият институти билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2012/2013 ўқув йиллари учун қабул бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» йўналиши бўйича юксак малакали кадрлар тайёрлашни Тошкент Давлат маданият институтининг ушбу йўналишида таълим олаётган иккинчи-тўртинчи курс бакалавр ва магистрлари мазкур университетга ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги «Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти фаолиятини таъминлаштириш тўғрисида»ги ПҚ-128-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 26 июлдаги «Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги 154-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни тақдим этсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2012 йил 4 июнь

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон — Россия: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 4 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида Ислам Каримов ва Владимир Путин ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ушбу учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги олий даражадаги мунтазам мулоқотларнинг мантикий давомидир.

Ўзаро ҳамжихатлик ва конструктивликка асосланган сиёсий мулоқот анъанавий тарзда икки томонлама муносабатларнинг узоқ муддатли истиқболлари ва муҳим йўналишларига асос яратди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари ўртасидаги мулоқотларнинг асосий қисми Кўксарой қароғоҳида, икки давлат раҳбарларининг расмий сурагга тушиш маросими билан бошланди.

Президентимиз меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан самимий кутлар экан, ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиш, томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни мақсад қилган аниқ йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Бугун Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ёки ўтиб бўлмайдиган бирор бир тўсиқ йўқ, минтақавий ва халқаро даражадаги кўптомонлама ҳамкорликнинг самарали механизми ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида фаол иш олиб борилмоқда.

Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари барқарор ва изчил ривожланмоқда.

2011 йилда ўзаро савдо ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 9 фоиз ўсиб, 6,7 миллиард АҚШ долларига етди.

Айни пайтда икки мамлакат раҳбарлари товар айирбошлашни тубдан диверсификация қилиш ва сармоявий ҳамкорликнинг йўналишларини кенгайтиришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азалий ва мустаҳкам маданий-гуманитар ҳамда тарихий ришталар анъанавий икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълим соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Тошкентда Россиянинг учта етакчи олий таълим муассасасининг филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, ушбу таълим даргоҳларида юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Учрашувда томонлар ўзларини қизиқтирган долзарб аҳамиятга эга минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокараларда қўшни Афғонистондаги вазият ва воқеаларнинг эҳтимол-

даги ривож таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чўқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ҳамкорликнинг янги босқиндаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.

Имзоланган Декларация кўптомонлама Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантириш жараёнидаги навбатдаги мантикий босқич бўлиб, ўзаро алоқалар узлуксиз ва изчил раванқ топаётганининг яна бир далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномага қўшилиши бўйича истиқболдаги қўшма чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунига етди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган атрофлича, кенг кўламли музокаралар, эришилган муҳим келишувлар ўзаро манфаатли, вақт синовидан ўтган ҳамкорликни янада кенгайтиришдан, уни Ўзбекистон ва Россия халқлари фаровонлиги ва манфаатлари йўлида сифат жиҳатдан янги босқинга олиб чиқишдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолат беради.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП: «Фаол аёллар» қаноти

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

соғлом миллат ва барқарор тараққиёт кафолати

ЎЗХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ва Тошкент вилоят тарбия бўлими билан Бўка туманидаги «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Соғлом она соғлом бола» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тиббиёт ходимлари қасба уюшмаси Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари, партия фаоллари ҳамда электрорат ва-

киллари иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига

айланди. Бу борада ислохотлар босқинча-босқинча изчил амалга оширилмоқда, юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели шаклланди. Бу эса, аввало, оилаларда соғлом фар-

зандлар камол топиши, соғлом насллар дунёга келиши, асосийси, Ватанимизда соғлом генофонд шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОА

бош мураббийи ўзгарди

2014 йили Бразилияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Осие минтақаси тўртинчи саралаш босқичи баҳслари бошланди. Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки турда Эрон футболчиларига қарши майдонга чиқди. Афсуски, унда ҳамюртларимиз рақибларига ютқазиб, муҳим уч очкони бой беришди — 0:1.

Футбол

Кеча Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов навбатдан ташқари йиғилиш ўтказди. Унда шу кунгача Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи вазифасида ишлаб келган Вадим Абрамов ўз аризасига кўра, истеъфога чиқди ва унинг ўрнига Миржалол Қосимов тайинланди.

Эслаб ўтамиз, Миржалол Қосимов 2008 йили 2010 йилги жаҳон чемпионати тўртинчи босқич саралаш учрашувлари

чоғида бош мураббий Рауф Инилев ўрнини эгаллаганди. У 2010 йилнинг март ойигача терма жамоани бошқарган. Бу вақт мобайнида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 14 мартаба майдонга тушган. Уларда тўрт галаба, олтига дуранг ва олтига мағлубият қайд этилганди. 2010 йилнинг март ойида айнан Вадим Абрамов Қосимов ўрнига бош мураббий этиб тайинланган эди.

Эркин ХОЛБОБО

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

соғлом миллат ва барқарор тараққиёт кафолати

— Оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, аёлларнинг, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш ишга муносиб ҳисса қўшиш партияимиз, қолаверса, унинг «Фаол аёллар» қаноти олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Мухтасар Абдурахмонова**. — Бугунги тадбирни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу, аслида. Акцияни юқори савияда ўтказиш учун «Бўстон» кишлоқ врачлик пунктига Тошкент вилояти ва пойтахтнинг малакали шифокорлари таклиф этилди. Бу тадбирда улар аёлларга кўкрак бези саратони хасталигининг олдини олиш борасида тўлиқ маълумот бериш билан бирга, уларни профилактик кўриқдан ўтказишди.



— Соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлими мудири Зулфия Зокирова**. — Бунинг учун аввало, она соғлом бўлиши, оилаларда фискал турмуш тарзи қарор топиши зарур. ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бундай акцияларни ҳамкор ташкилотлар билан бирга, 2009 йилдан бери ўтказиб келади. Шу кунгача Бекобод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини ва Қўбрай туманида жойлашган «Байтўрғон» кишлоқ фуқаролар йиғинида шундай тадбирлар уюштирилди. Уларда жами 500 нафардан зиёд оналар ва болалар тиббий кўриқдан ўтишди. Келажакда вилоятимизнинг барча туман ва кишлоқларида бу каби акцияларни ташкил этиш ниятидамыз. — Ҳамширалик бўйича тахсил олганман, — дейди **Нилуфар Салоҳиддинова**. — Шу боис тиббий кўриқнинг аҳамиятини жуда яхши тушунаман. Уч нафар фарзандим бор. Тўнғичим олти ёшда. Фурсатдан фойдаланиб, уларни Тошкентдан келган малакали шифокорлар кўриқдан ўтказдик. Баъзида бирор-бир мутахассис маслаҳатини олиш учун шаҳарга боришга тўғри келади. Узоқ йўлда, бунинг устига болалар билан юришни айтмайсизми. Бугун эса

уларнинг ўзлари келиб, керакли курсатмалар беришяпти. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларига раҳмат айтмоқчиман. — Тақдир менга Антон, Артём ва Алёша исми уч нафар ўғил эгизакларни инъом этган, — дейди **Анолия Навлеская**. — Уларни барча мутахассислар кўриқдан ўтказдик. Энг муҳими, фарзандларимнинг саломат эканига яна бир бор амин бўлдим. Шифокорлар уларнинг соғлом вояга етиши учун нималарга эътибор қаратишим кераклиги ҳақида зарур маслаҳатлар беришди. Келажакда уларнинг ўз Ватани тараққиётига ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб камол топишини орзу қиламан. Акция давомида текширув натижаларига кўра, касалликланган оналар ва болаларга соғломлаштириш бўйича йўлнамалар берилди. Бундан ташқари, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб кичкинтойлар учун ажойиб байрам тадбири ташкил этилди. Болаларлар гўзал куй-қўшиқларга мириқиб рақсга тушибди, шеър ва топшмоқлар айтишди. Айниқса, улар ижросидаги сахна кўринишлари барчага завқ улашди. **Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Бўстон» кишлоқ фуқаролар йиғинида 7425 нафар аҳоли яшайди, — дейди **Кишлоқ врачлик пункти мудири Сайёра Асатова**. — Шунинг 1965 нафари туғиш ёшидаги аёллар, 2 минг нафардан зиёди 14 ёшгача бўлган болалар ва 449 нафари ўсмирлар ҳисобланади. Шу йилнинг май ойигача 1470 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди. Илгари уларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун уйма-уй юриб, айтиб чиқишимизга тўғри келарди. Ҳозир аёлларнинг ўзлари ҳар йили икки марта мана шундай кўриқдан ўтиш учун келишади. ХДП ташаббуси билан ўтказилган бугунги акцияда 300 нафарга яқин оналар ва болалар бепул лаборатория, УЗД, хирург, терапевт, педиатр, акушер-гинеколог ҳамда маммолог текширувидан ўтишди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Қонунга кўра, Қонунчилик палатаси фаолияти ошқораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тамойилига асосланади. Депутатларнинг профессионал ва доимий фаолияти палата ишининг асосини ташкил этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида» Қонунда депутат ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан узвий алоқада бўлиши, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этиши белгилаб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, тегинли қонунчилик орқали Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан ишлаши бўйича ўзига хос самарали тизим яратилган. Қабул қилинган янги қо-

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ҳаётини таклифлар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга

нунлар, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурлар, уларнинг аҳамияти ва мазмун-моҳияти ҳақида сайловчиларга атрофлича тушуنча бериш, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини муҳокама этиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар олиш, шу билан бирга, жойларда сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўришда Қонунчилик палатаси депутатларининг бу имкониятдан унумли фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари жорий йилнинг 28 майдан 4 июнига қадар сайловчилар билан ўтказган учрашувларида бунга алоҳида эътибор қаратди. Қонунчилик палатасига 120-Шаҳрисабз сайлов округидан сайланган депутат Машқура Сафарованинг таъкидлашича, ЎзХДП фракция-

си аъзолари сайловчилар билан учрашувларда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, хусусан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш бўйича, «Мустақкам оила йили» Давлат дастури асосида қилинган ишларнинг аҳамияти, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шунингдек, Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, унда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, фракция ёндашуви ҳақида сайловчиларга батафсил таҳлилий маълумот беришган.

ЎзХДП фракция аъзолари аҳоли билан учрашувларда партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, Парламент томонидан қабул қилинган «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» доирасида жойларда амалга ошириладиган ишларнинг боришини маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан бирга таҳлилий ўрганишиди, номунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уйлар ва уларда яратилган қўлай шароит билан танишишди.

Фракция аъзоларининг сайловчилар билан ўтказган учрашувлари, хусусан, уларда кўтарилган масалалар, олинган таклифлар умумлаштирилади ва шу асосда электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиш бўйича фракциянинг навбатдаги вазифалари белгилаб олинади.

Тўлиқин ТўРАХОНОВ

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ёш етакчиларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказди. Унда партия Марказий Кенгаши аъзолари, «Истиқбол» ёшлар қанотининг Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти, туман ва шаҳар бўлимлари етакчилари иштирок этди.

МАҚСАДЛИ ВА ТАЪСИРЧАН ТАДБИР

ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади

— Демократик ислохотлар жараёнида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кучайиши муҳим аҳамиятга эга, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохрухмурзо Абдурахмонов**. — Қанотимизнинг партия маҳаллий Кенгашлардаги бўлимлари ўз фаолиятида бунга алоҳида эътибор қаратмоқда. Аммо таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ташкил қилинаётган айрим тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилмаётган, баъзан эса тадбир долзарб масалага бағишланган бўлса-да, юзаки ўтмоқда. Айниқса, кишлоқ ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва тушунчасини бойитишга қаратилган лойиҳалар жуда кам. Биз сиёсий партиялар олдида қўйилаётган юксак вазифалардан келиб чиқиб, бу каби камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чораларни белгилашимиз зарур. Бунинг учун қанот етакчилари фаол бўлиши, партия маҳаллий Кенгаши ва депутатлик гуруҳи билан ҳамкорлигини кучайтириши талаб этилади.

Давра суҳбатда қанот фаолиятини кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди. Уларда, хусусан, қанот етакчилари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиши, жойларда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қилинаётган ишларни таҳлилий-таъкидий ўрганиши, шу асосда амалий таклифлар билан чиқиб кераклиги таъкидланди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказишга, уларни фойдали меҳнатга жалб этишга йўналтирилган тадбирларни олис ҳудудларда кўпроқ ташкил этиш муҳим вазифа эканлигига эътибор қаратилди.

Шаҳноза ЮСУПОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати ходими.

Партияларо баҳс

КИШИЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – ХОМЖАЁЛ ЭМАС

Ёки ЎзХДПнинг меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасидаги қарашлари ва интилишларига «адолат» учун курашга бел боғлаган «Адолат» СДП нега қарши чиқмоқда?

Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи аниқ ва ҳаётини ягона, дастурга эга бўлиши ҳамда уни изчил амалга оширишга боғлиқ.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга ҳар бир сиёсий партия ўз Сайловолди дастури ва позициясидан келиб чиқиб ёндашади. Масалан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ватанимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик йўли негизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ғояси бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Бу борада аҳолининг юксак даражада ижтимоий ҳимояланганлиги одамлар фаровонлиги ва жамият барқарорлигининг ишончли пойдевори эканини таъкидлайди.

Партия дастурида ижтимоий сиёсатнинг мақсадлилиги, аҳолининг ижтимоий манфаатларини аниқ кўрсатиш билан, Масалан, **меҳнатга қобилиятли аҳоли учун — одамларнинг муносиб ҳақ тўланадиган ишга интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий ташаббуси ва тадбиркорлигини рағбатлантириш** муҳимлиги қайд этилган. ЎзХДП ўз ғояларини амалга ошириш мақсадида доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган кишилар, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган ёшлар, асосий даромадини меҳнатдан оладиган, иш бериувчилар олдида ишончли ҳимоя қилиниши лозим бўлган одамлар, нафақахўрлар, ногиронлар ва кам таъминланган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор лойиҳаларни илгари сураяпти. Кучли ижтимоий ҳимоя тизимини қўллаб-қувватлаган ҳолда амалий иш олиб бораёпти.

Аммо ЎзХДПнинг бу борадаги дастурий мақсади ва сазой-ҳаракатларини «адолат»чилар «утопия», яъни хомжаёл сифатида талқин қилишга уринмоқда. «Адолат» газетасининг шу йил 25 май сонидеда эълон қилинган «Ваъда бериш осон...» сарлавҳали мақоладаги фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин. Юнон тилидан таржима қилинган-

омилларидан бўлган кўппартиявийлик тизими шаклланиши, бугун фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилаётган партияларо рақобат изчил тус олаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку! Наҳотки, «адолат»чилар бу каби таъналар билан кишиларда, айниқса, ёшларда нотўғри тушунча ва тасавурулар пайдо қилишини ўйламайди? Бундан ташқари, «адолат»чилар даъво қилганидек, ХДП иш билан фаровонлигини ҳамма учун нақд қилиб қўяётгани йўқ. Иш ўрни яратиш масаласи бевосита сиёсий партия ваколатига қирмайтиди. Партия ғояни илгари суради, уни амалга ошириш йўллари таклиф этади, унинг ижросига хизмат қиладиган чора-тадбирларни кўради. ЎзХДП ҳеч бир инсон жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳар бир инсон меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслиги, муносиб ҳаёт кечириш учун кураш олиб боришни эзгу мақсад, деб билади.

Партияимизнинг бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олмаган, вақтинча ишсиз юрган, тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган, аммо ишлаш қобилиятига эга, энг муҳими, касаначилик, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бор электорат вакиллари кўл келадиган лойиҳалар ўтказиши замирида ҳам ана шундай инсонлар парвар ғоя муважжам. Одамларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган бу интилишлар утопия ҳам, хомжаёл ҳам эмас.

Яна бир парг. Мақолада келтирилшича партияимиз кейинги пайтларда электорати доирасини янада кенгайтиришга, яъни, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ёнига тадбиркорларни ҳам жалб этишга астойдил уринаётган эмас. Юқорида таъкидланганидек, ЎзХДП меҳнатга қобилиятли аҳоли учун одамларнинг муносиб ҳақ тўланадиган ишга интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий ташаббуси ва тадбиркорлигини рағбатлантириши ўз вазифаси деб билади ва шундан келиб чиқиб, амалий иш қилаёпти. Ёки «адолат»чилар кам

таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли орасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрганлар йўқ деб ҳисоблайдими? ЎзХДП ҳамкор ташкилотлар билан уларни ўз ишини йўлга қўйиши учун кўмаклашса, бу ўз ғояларидан чекинган, дегани эмас-ку! Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга кўмаклашиш партияимизнинг асосий вазифаларидан бири экан, бунда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган электорат вакиллари эътибордан четда қолдириш мантқиққа зид, албатта.

Мақоладаги яна бир жумлага эътибор қаратайлик: **«...ҳар қанча истаган тақдирда ҳам ХДП сайловчиларига бераётган куюқ ваъдасини бажара олмайди, бу амалда мумкин ҳам эмас. ...Дейлик, эллик мингта янги иш ўрни яратилди, деган ҳисобот учун шунча киши эскирган технология ёрдамида ишлаб чиқаришга жалб этилса...Бу, албатта, саксон йил орқага қайтишдан босқан ҳеч нарса эмас».**

Бу фикрлар замирида ҳам чучумаллик ва масалага бир ёқлама муносабат ётибди. Айниқса, «эскирган технология» деганда айнан нима назарда тутилаётганини аниқлаш қийин. Ҳеч ким эскирган технология тарафдори эмас. ЎзХДП меҳнатга лаёқатли жами аҳолининг тўлақонли бандлигини таъминлашга эришиш мақсадида катта сармоя талаб қилмайдиган қосибчилик, хунармандчилик ва касаначиликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари яратилишига интиломда.

Масалан, биргина касаначиликни оладиган бўлса, жамиятда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад топиш, иш вақтининг қатъий белгилашмагани, махсус биноларга эътиҳ бўлмаслиги ва бошқа шу каби омиллар бу соҳанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди. Ривожланган мамлакатларда ҳам касаначиликни тараққий эттиришга катта эътибор қаратилади. Бирги-

на АҚШда меҳнатнинг бу усулида ишлайдиганлар сон 5 миллион электоратчи, Японияда ҳатто электоратчи, электроника, туризм каби тармоқларда ҳам у кенг қўлланилади. Энди ўйлаб кўрайлик, ХДП ишга яроқли электорат вакиллари шу соҳага жалб этишга интиляётган ва энг асосийси, ўз мақсадага эришаётган экан, бунинг нимаси «саксон йил орқага қайтиш» бўлади?

«Адолат»чилар ўзларини аънавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўлланилган ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғояларини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб билишади. Шу сабабли «Адолат» СДП меҳнатқашлар ва иш бериувчилар ўртасидаги ижтимоий шерикчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишни ўз вазифаси, деб белгилаб қўйган. Бироқ улар бу борада эътирофга муносиб қандай амалий иш қилганига жавоб топиш мушкул. Социал партия сифатида ишсизликка қарши курашиши керак бўлган «Адолат» СДП фаоллари аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш имкони йўқ, деб туришини қандай баҳолаш мумкин?

Дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз тўғрисидаги ривожланган давлатларда ҳам миллионлаб одам ишдан ажралгани, бунинг оқибатида қандай ахвол юзага келадиганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Шундай экан, партияимиз ҳаммани иш билан таъминлашнинг имкони йўқ, деб «Адолат» СДП вакиллари, қўл қовуштириб тура олмайди. Аҳолини имкон қадар иш билан таъминлашни учун қийнандан қўмаклашади. Ва албатта, сайловчиликка берган ваъдасини бажариш учун интилади, ҳаракат қилади. Ижтимоий адолат тамойилига ёндашувда «адолат»чилар қарши билан эса мутлақо келиша олмайди.

Лазно ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Куч — билим ва тафаккурда!



Янги илмий тадқиқотлар устида изланяпман

дейди Президент стипендианти, Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти Хулкар Сулаймонова

У ўқитувчилар оиласида улғайди. Уларнинг хонадонидан 10000 дан зиёд номдаги китоблар сақланган кутубхона бор эди. Мана шу китоблар ичида ўсган қизалоқ ўқиш, ёзишни тез ўрганиб олди. Шу боисдан ҳам уни 5 ёшида мактабга қабул қилишди.

Мақтаб даврида она тили, адабиёт, тарих, ҳуқуқшунослик, инглиз тили фанларини чуқур ўрганишга киришди. «Томи» номли шеърӣ тўплами ва қишлоғи тарихи ҳақида «Гулдилов қишлоғи» рисоласини нашр эттирди.

ҳаммуаллиф бўлди. 2009 йили Навоий номидаги давлат стипендиасига муносиб кўрилди. Аини кунда Хулкар филология фанлари доктори, профессор Раъно Ходжаева раҳбарлигида «Миср шоири Фаруқ Жувайда шеърӣатида замон ва қаҳрамон талқини» мавзусида илмий тадқиқот олиб борапти.

Туйғу

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Ватан. Меҳр билан, муҳаббат билан тилга олинади — бу сўз. Виқор мужассам ҳар ҳарфида. Оҳор. Бетакрор жозиба.

Ватан биттадир, шунинг учун ҳам у муқаддас. Ягона бўлган нарсаларнинг барчаси эъзода — Ватан, Она, Замин, Осмон, Қуёш... Биттадан ошдимиз, муқаддаслик қолмайди. Ҳа, Ватан она каби ягонадир!

Бепоеён Ватанимизнинг баъзи гўшаларида «ватан» сўзи уй, хона маъносини ҳам билдиради. Айтишди: «Ўғлим учун бир ватан қурдирай...» Ҳудуд киши омадсизликдан уйдан маҳрум бўлса «бева-тан бўлиб қолибди», дейишди афсус билан. Ватан — бу яшаб турган уйимиз!

полмайсан киши. Ҳаритага ҳаёлчан боқаётган қишлоқдошим қалбидан нималар кечаётгани ўзига аён. Ҳолати асқарлик давримни эслатди. Менинг асқарлик даврим ўзбекистондан йироқда, шимолнинг узоқ шаҳарларидан бирида ўтган. Қисм штабда хизмат қилардим. Иш жойимда, рўпарамда — жаҳон сиёсий харитаси осийлик турибди. Хонага киришим билан девордаги харита диққатимни тортар, унга яқинлашардим, беихтиёр. Тошкентни қидирардим. Бу ҳолат ҳар қуни такрорланар, Тошкентга қўзим тушгани захоти ўзбекистон кўз олдимда жонланарди.



қиш йўли Қирғизистон ҳудуди орқали ўтади. Бир неча дақиқалик бу автомобиль йўли назаримда бағоят қўзилади. Ватаним чегарасига яқинлашганим сари ҳаяжонга тўла кўнглимда ўзгача ҳис-туйғу сезаман. Қадрдон ватаним манзараларига қўзим тушиши билан енгил тортаман. Тўйиб-тўйиб нафас оламан. Бу шунчаки баландларвоз сўзлар эмас. Бир неча дақиқалик автомобиль йўли, санокли дақиқалар... Бир вақтлар тақдир тақозоси билан ёки шўро даврининг қаттол сиёсатидан қочиб, Ватанидан айро тушганлар ҳаёлга келади.

олиб, бахтиёр умргузаронлик қилаётган, шу диёрнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётган бунёдкор халқнинг ҳаётига кўз тегмасин, — деган эди. Беихтиёр ўйга толаман, ўз туғилган юртингда яшаш қандай бахт! Ватани дилдан сўйган одам учун Ватандан ортқ бахт йўқ. Эй Ватан, жону дилимда жо ўзинг, Мен учун олам аро танҳо ўзинг. Ўзбекистон, жаннати дунё ўзинг... Ватан. Ватан. Ватан!.. Ҳар қанча такрорласак оҳори тўқилмайдиган сўз бу — Ватан! Улкан... чексиз кудрат, таянч мавжуд бу улғувор сўзда. Ватан деб, Ватан учун яшаётган одамгина шу гўзал сўзни меҳр билан, муҳаббат билан тилга олади, дилда виқор, руҳида салобат сезади.

Муҳаммад ШОДИЙ, журналист.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

қитъамизнинг истеъдодли ёшлари голиблик учун баҳс юритишпти

Пойтахтимизда 20 ёшгача бўлган шохмотчилар ўртасида Осиё чемпионати қизгин давом этмоқда. Швейцарча тизимда ўтказилаётган йигитлар мусобақасида ўттиз нафардан зиёд иштирокчи дона сурмоқда.

Яқунланган бешинчи тур учрашувларидан сўнг, ҳозирча баҳсларда ўзбекистонлик ФИДЕ устаси Никита Хоросhev ва хиндистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Сринат Нараянан тўрт яримтадан очко билан пешқадамлик қилмоқда.

Қизлар ўртасидаги мусобақада йигирма уч нафар шохмотчи ўз омадларини синаб кўришмоқда. Улар орасида мутахассислари-ми Сарвиноз Курбонбоева, Мафтуна Маматқулова, Елена Вербова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова каби бир қатор иқтидорли қиз-

ларимизга ишонч билдиришган. Аммо ҳозирча қучли учликдан беш имкониятдан тўрттадан очко жамғарган хиндистонлик Руча Пужари, Ивана Мария Фуртадо, вьетнамлик Ти Ким Во ҳамда Ти Ню Хоанлар ўрин эгаллаб туришди. Ҳамюртимиз Сарвиноз Курбонбоева ҳисобида эса 3,5 очко бор. Чемпионат голиб ва совриндорлари 7 июнь куни аниқланади.



Рамиз ВАЛИЕВ

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»НИНГ УМИДЛИ ҚИЗИ

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бадий гимнастикани ривожлантириш бўйича муҳсус дастур қабул қилинган, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сафи сезиларли даражада кенгайди. Ҳозир кунда юртимизда минглаб қизлар бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланаётгани бунинг далилидир.



Алишер ИСОМИЛОВ (Ўза) олган сурат.

Самарқандлик Мафтуна Шамсиева — ана шундай умидли ёш бадий гимнастикачиларимиздан бири. У бадий гимнастика тўғрисида катташа бошлаганида энди етти ёшга тулган эди. Нафақат ақл-идрок, балки бутун танани гимнастика қонун-қондасига риоя қилган ҳолда мослаштириш йўлида олиб бориладиган тинимсиз машғулотларда иштирок этишга ҳаммаининг ҳам қурби етмайди. Лекин бу қийинчиликлар уни доводиратиб қўймади. Ҳа, танлаган йўлдан қатъият билан одимлаган қизча аста-секин турли мусобақаларда муваффақиятга эриша бошлади.

Мафтуна учун 2008 йил ҳам омадли бўлди. Дастлаб апрель ойида «Екут юлдуз» халқаро турнирида иккинчи ўринни эгаллади. Ноябрь ойида Германия ва Бельгияда ўтказилган нуфузли мусобақаларда юртимизга олтин медаллар билан қайтди. Умуман, Мафтуна бугунгача халқаро турнирларда 12 олтин, 13 кумуш, 4 бронза медали соҳибига бўлган.

у нимжонгина қизалоқ эди. Бир йил ичида у ўз саломатлигини тиклаб олди. Ҳозир у бадий гимнастика бўйича эришаётган муваффақиятлар кўпчиликка маълум. Келажакда унинг етук спортчи бўлишига ишонаман. Мафтуна аини пайтда Самарқанд вилоятда 272 бадий гимнастика тўғрисида фаолият кўрсатмоқда. Уларда 199 нафар кўчигуви ва мураббий 3573 нафар қизча бадий гимнастика сирларини ўргатмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Ўза мураббийи.

Спорт

ҚИЛИЧБОЗЛИК КЕЛАЖАГИ УЧУН

Мамлакатимизда Олимпия ўйинлари спорт турларидан бири қиличбозликни янада ривожлантириш йўлида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ мамлакатимиз қиличбозлари қўлга киритаётган ютуқлар салмоғи тобора ортиб бораётти. Жумладан, яқинда иқтидорли спортчимиз Руслан Қудавенинг Лондон олимпиадасига йўланма олганлиги ҳам фикримиз тасдиқидир. Кеча пойтахтимизда Халқаро қиличбозлик федерацияси ташаббуси билан Осиё қитъасида фаолият кўрсатаётган мураббийлар учун илмий-амали семинар иш бошлади. Унда қитъамизнинг Сингапур, Индонезия, Ҳиндистон, Ироқ, Сурия, Шри-Ланка, Таиланд сингари йигирма беш давлатдан ташриф буюрган мутахассислар иштирок этишмоқда. Семинарда машғулотларни польшалик Жерси Збигнев ва Концальский ҳамда руминиялик Зидару Октавиана Петрулар олиб боришпти. Эътиборлиси, мазкур тадбирда юртимиз вилоятларимиздан келган ўн нафардан зиёд мураббий ҳам ўз маҳоратини оширишмоқда. — Ўзбекистонда қиличбозликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавас қилса арзийди, — дейди руминиялик мутахассис Зидару Октавиана Петру.

— Пойтахтингдаги замонавий спорт иншоотининг жаҳон андозаларига мос жиҳозланганлиги, бу ерда спортчиларнинг ўз истеъдодларини намойён қилишлари учун яратилган қўлайликларни айтмайсизми?! Семинарда иштирок этаётган маҳаллий мутахассислардаги иштиёқ ва қизиқшининг қучлилиги ҳам бизни ҳайрон қолдирди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур семинар арасида федерация қошидаги республика қиличбозлик мактабида «Қиличбозлик келажиги учун» халқаро жамғармаси хомийлигида барча қўлайликларга эга замонавий спорт мажмуи ҳам иш бошлади.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мураббийи.

ОБ-ҲАВО

Table with weather forecasts for various regions like Qoraqalpogʻiston, Buxoro, Toshkent, etc.

Дунё буйлаб

Table with global weather forecasts for cities like London, Paris, Moscow, Madrid, etc.

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Bobir muharrir o'rinbosari, G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muhiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

Parlament faoliyati: 233-10-13; Pariya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Katihiyat — 233-72-83, 236-55-17. Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 01.45 Topshirilgan vaqti — 02.15 Soluvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5